

Нима учун биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрамиз?



09:00 / 25.07.2023 2389

Нима учун биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўйиб, у кишини севамиз? Чунки, Аллоҳ бизларни зулматдан нурга, залолатдан ҳидоятга шу Зот туфайли олиб чиққандир. Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳ таолонинг шариат қилиб берган динини тўлатқис, Раббимиз амр этгани каби етказиб, омонатини мукаммал сизу биз умматларига топширганлар. Бу ишларни биз умматларини жуда ҳам яхши кўрганлари ва меҳр-шафқатларини гўзал бўлганларидан адо этганлар. Бас, шундай экан Аллоҳ таоло У зоти шарифни чиройли мукофотлар билан сийласин. Ўз Расулини севиш ва муборак изларидан эргашишни бизга, фарзандларимизга ва барча инсонларга насиб этсин.

Пайғамбарга севги-муҳаббат деганда нимани тушинмоқ керак? Яъни, ҳар бир мусулмон киши қалбини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга моил қилиб, бошқа барча нарсаларнинг муҳаббатидан У зотга бўлган муҳаббатни устун кўйиш демакдир. Аслида, муҳаббат деганда - муҳаббат қўйилган нарсага мувофиқ бўлган холатни тушунилади. Мойиллик эса - у билан лаззат олиш ва маъқул кўриш демакдир. Худди бир нарсани суратини, овозини ёки бўлмаса таомни суйганга ўхшаш. Инсон ўз ақли билан лаззат олиши ботиний маъно ҳисобланиб, бу солиҳ, олим ва фазл аҳллари муҳаббатларидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатда буларнинг ҳаммаси мужассам бўлмоғи даркор. Бу муҳаббат инсонни зоҳирий ва ботиний гўзаллик, жами улуғлик хислатларини камоли, фазилатларнинг барча тури, энг тўғри йўлда мустақим бўлиши, неъматларнинг давомийлиги ва абадий азобдан халос бўлиш каби маъноларга эга қилади.

Шундай экан, биз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳар тарафлама ришталарни боғлаб, қалбимизни ҳиссий ва маънавий, ақлий томондан маърифат ва илм билан, сийратлари ва ҳадисларини ёд олиш ҳамда суннатларига эргашиш орқали муҳаббатларимизни исботи бўлса, суннатларига амал қилиш аъзоларнинг муҳаббати тасдиғи бўлади. Аммо суннатларига эргашса бўлди шуни ўзи муҳаббатга кифоя қилади дейилгани эмас, албатта. Балки муҳаббат қалб ва нафс билан уйғунлашгандагина мукамал ўз ифодасини топади. Шундагина мусулмон одам виждонан қалб амалларини энг яхшисини бажарган бўлади. Шу сабаб инсонларнинг муҳаббат даражалари бир-биридан фарқланади.

Муҳаббатур-расул вожиб амал эканига қуйидаги оят далолат қилади:

أَهُمْ تُفَرِّقُوا لَأَوْمًا أَوْ مَكْتَرِي شَعَوٌ مَّكْجُ أَوْزًا أَوْ مَكْنُ أَوْخًا أَوْ مَكْنُ وَانْبَأُ أَوْ مَكْنُ وَابَّآ نَاكَ نَإِلُق
يَفِ دَاهَجَ وَهَلُ وَسَرَوَهُ لَلَا نَمُ مَكْنِي لَلِإِبْحَ أَاهَ وَضَرَّتْ نَكْ أَسَمَ وَ أَاهَ دَاسَكَ نَ وَشَحَّ تْ دَرَا جَتْ وَ
نَ قِ سَ أَلِ لَ مَوْ قُلِ أَلِ يَدَهِي أَلِ لَلِ أَوْ هَرْمَ أَبُ لَلِ أَلِ يَتَأَيِّ تَحِ أَوْصَبَّ رَتْ فَ هَلِ يَبَسَ

«Айтинг (эй, Муҳаммад): «Агар оталарингиз, фарзандларингиз, ака-укаларингиз, хотинларингиз, қариндошларингиз, меҳнат билан топган мол-мулкларингиз, касод бўлишидан қўрққан тижоратингиз ва ёқтирган масканларингиз сизлар учун Аллоҳ ва Расулидан (Мадинага ҳижрат

қилишдан), Унинг (тоати) йўлидаги жидду-жаҳд қилишдан (кўра) суюклироқ бўлса, (унда) то Аллоҳ ўз амри (азобини) келтиргунига қадар кутиб турингиз! Аллоҳ (эса) фосиқлар қавмини ҳидоят этмагай» (Тавба сураси, 24-оят).

Мазур ояти каримада Аллоҳ ва пайғамбари соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат ҳамма нарсаларнинг муҳаббатидан олдин туришликка даъват қилади. Бошқа ояти каримада:

...مَسْفُوفًا نَمَنِي مُمْؤْمِلًا ابِلَوَّأَيِّبًا

«Пайғамбар мўминларга ўзларидан ҳам ҳақлироқдир...» (Аҳзоб сураси, 6-оят).

Яъни, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатлари бошқа барча нарсаларга қўйган муҳаббатдан кўра устунроқ бўлмагунча имонлари комил бўлмагай, деганидир.

Ҳадиси шарифда эса Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз мен унга ота-онасидан, боласидан ва одамларнинг ҳаммасидан маҳбуброқ бўлмагунимча, мўмин бўла олмайди», дедилар.

Бухорий ривояти.

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «мўмин бўла олмайди» деганларидан мурод, комил имонли мўмин бўла олмайди, деганларидир. Шу билан биргаликда бу ҳадис мусулмон кишига Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга муҳаббат қўйиш вожиб эканлигига далолат қилади. Шундагина, ҳақиқий имон эгаси, нажот топувчи кишига айланар экан.

Уламоларимиз кишини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатининг қанчалик чин эканлигига куйидаги ўн иш далолат қилади.

- Ҳаётлик чоғларида У зотга ёрдам бериш ва вафотларидан кейин суннатларига амал қилиш;
- У зотнинг суҳбатларига қизиқиш. Бу иш фақат саҳобаларга хос бўлсада, улардан кейинги келган мусулмон авлодига У зотни ҳеч бўлмаса тушда кўришни орзу қилиш орқали ўз исботини топади;
- Амрларига бўйсиниш;
- У зотнинг суннатларига амал этмаслик, муҳаббат қилмаслик ила гуноҳкор бўлиб қолишдан эҳтиёт бўлиш;
- Кўп салавот йўллаш;
- Суннатларига бошқаларни тарғиб этиш;
- Бидъат хурофотлардан ўзини олиб қочиш;
- Саҳоба ва аҳли байтни яхши кўриш;
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари билан зийнатланиш;
- Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига амал қилишда хаддан ошмаслик.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг расули! Қиёмат қачон бўлади?», деб савол қилди. «Сен қиёматга нимани ҳозирлаб қўйдинг?», дедилар Пайғамбар алайҳиссалом. Савол берган киши: «Мен Аллоҳ ва унинг Расулини муҳаббатидан бошқа арзигулик ҳеч нарса тайёрламадим», деб жавоб қилди. Шунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, сен ўзинг яхши кўрганлар билан биргасан, ҳар ким ўзи яхши кўрганлар билан бирга бўлади», деб марҳамат қилдилар.

Анас розияллоҳу анҳу: «Биз ислом келгандан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ушбу сўзларини эшитганчалик хурсанд бўлмаганмиз», деди.

Аллоҳ таоло барчаларимизнинг қалбимизга Расулини муҳаббатини жо қилсин. Қиёматда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «ҳамд» байроқлари остида туриш ва У зотнинг муборак шафоатларига эришиш ҳамда жаннатда Расулига қўшни бўлиш бахтини насиб этсин!

Жалолиддин домла Ҳамроқулов

